

ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЪНО МАЗМУНИ

Нуралиев Нурбек Бахтиёрович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув
милий агентлиги магистри

Аннотация: Мазкур диссертация ишида қурилиш соҳасида лойиҳалаштириш жараёнини такомиллаштириш йўллари ҳамда қурилиш соҳасида жадал олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида тежамкор энергиядан фойдаланиладиган қурилиш материалларни тадбиқ қилиш ва ҳозирда об-ҳавонинг (аномал) кескин ўзгаришлари сабабли юртимиз аҳолисини иссиқлик энергиясига бўлган талабини кескин ошиши, ер ости ва ер усти ресурсларига бўлган эhtiёжни кўпайиши оқибатида давлатимизда муқобил энергия турларини ривожлантиришга эhtiёжни ошиши сабаби ҳамда ечимлари тадбиқ этилган.

Калит сўзлар: шаҳарсозлик, қурилиш, лойиҳалаш, инфратузилма, технологиялар, Энергетика вазирлиги.

Аннотация: В данной диссертации рассмотрены пути совершенствования процесса проектирования в строительной сфере, а также применение энергосберегающих строительных материалов в строительных работах, которые стремительно ведутся в строительной сфере, и резкое увеличение спроса на тепловой энергии населения нашей страны за счет (аномальных) резких изменений погоды, подземных и наземных ресурсов. В результате увеличения спроса были реализованы причины и решения для развития альтернативных видов энергии в нашей стране.

Ключевые слова: градостроительство, строительство, проектирование, инфраструктура, технологии, Минэнерго,

Annotation: In this thesis, the ways of improving the design process in the construction sector, as well as the application of energy-efficient building materials in the construction work that is being rapidly carried out in the construction sector, and the sharp increase in the demand for heat energy of the population of our country due to the (abnormal) sudden changes in the weather, underground and surface resources As a result of the increase in demand, the reasons and solutions for the development of alternative energy types in our country have been implemented.

Key words: urban planning, construction, design, infrastructure, technologies, Ministry of Energy

Аввало таъкидлаш жоизки, қурилиш соҳасини лойиҳалаштириш тушунчаси ва унинг маъно мазмунини янада чуқурроқ англаш учун қурилиш, қурилиш фаолияти, қурилишнинг қатнашчилари, қурилишнинг асосий муаммолари, қурилиш соҳасини лойиҳалаштиришнинг асосий муаммоларини ҳал қилиш йўллари каби тушунчаларнинг назарий жиҳатларига алоҳида эътибор бериш, уларни синчиклаб ўрганиш талаб этилади.

Қурилиш бирор [иншоотни](#) тайёрлаш жараёни, шунингдек шундай жараён кетаётган жойдир. Қурилиш мураккаб жараён бўлиб, унда бир неча вазифалар амалга оширилади.

Қурилиш — моддий ишлаб чиқаришнинг йирик соҳаларидан бири; турли мақсадлардаги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш; ишни юритиш учун фойдаланиладиган ҳудуд билан бирга қурилаётган бино (иншоот); кенг маънода яратувчилик жараёни. Тугалланган ва фойдаланишга топшириш учун тайёрланган ишлаб чиқариш корхоналари, турар жойлар, жамоат бинолари, иншоотлари ва бошқа объектлар қурилиш маҳсулотлари ҳисобланади. Қурилишда ишлаб чиқариш цикли нисбатан узун бўлиб (бир неча ойдан бир неча йилгача), ишлаб чиқариш жараёни турли обҳаво шароитида очиқ усулда олиб борилади.

Қурилиш тармоғи Ўзбекистон иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллайди. Бу тармоқ маблағ (фонд) ларни вужудга келтирувчи бўлиб ҳисобланади ва унинг муваффақиятлари бошқа тармоқларни ривожланишини ва умуман иқтисодиёт самарадорлигини аниқлайди. Қурилиш миллий даромаднинг 1 /5 қисмини истеъмол қилади. Бу воситалардан фойдаланишда йўл қўйилган хато солиқ тўловчилар учун қимматга тушади. Қурилиш иқтисодиёт ривожланишининг барометри ҳисобланади. Лойиҳавий-қурилиш мажмуасининг ҳамма элементларини аниқ ўзаро ҳаракатини таъминлаш учун етук мутахассислар керак бўлади. Улар ўзларининг амалий иш фаолиятларида қурилиш ишлаб чиқариш жараёнларининг илмий тизими ва усулларига қатъий амал қилишади⁹⁷.

Қурилиш Ўзбекистон Республикасидаги моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бирини ташкил этади.

⁹⁷ Б.Х.Рахимов., Э.А.Шомирзаев., А.С.Греценко. Шаҳар қурилиши ва хўжалигини ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш. 2009. Т. 6-Б.

Республика иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот таркибида салмоғига кўра қурилиш саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин 3-ўринда туради.

Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК), Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНК), лойиҳа – смета ҳужжатларини тузиш, саноат ва фуқаролик ҳамда қурилишнинг бошқа турларини амалга ошириш, бино ва иншоотлар ҳамда айрим конструкцияларни эксплуатация қилиш, уларни таъмирлаш бўйича асосий меъёрий ҳужжатлар тизимидан иборат. Бу меъёрларга риоя қилиш барча лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари учун мажбурийдир.

Қурилиш ишлаб чиқариш технологиялари ва қурилишни ташкил этиш қоидалари, “Қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг” учинчи қисмида келтирилган бўлиб, бу қисм қурилиш-монтаж ишларини бажаришга, уларни хавфсиз юритишга ҳамда қабул қилиш, қурилиш маҳсулоти сифатини назорат қилишга доир барча зарурий кўрсатмалар ва талабларни ўз ичига олган⁹⁸.

Бино ва иншоотларни муваффақиятли қуриш учун қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажариш бўйича қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЕЛ), ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ) ва технологик хариталар (ТК) кўринишида лойиҳа материаллари ишлаб чиқилиб, уларда қурилиш ишларини бажаришни ташкил этиш ва технологиясининг асосий масалалари бўйича қарорлар (ечимлар) келтирилади.

Асосий лойиҳа ташкилоти лойиҳани ишлашнинг бошланғич босқичида ҚТЕЛ ни ишлаб чиқади. ҚТЕЛ қурилишнинг қиймати, унинг давомийлигини асослаш бўйича бирламчи ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш технологияси ва қурилишни ташкил этиш бўйича тавсиялар беради.

Ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ) ҚТЕЛ да таклиф этилган асосий ечимлар (қарорлар)ни янада муфассал ишлаб чиқувчи ҳужжат ҳисобланади. Ишларни бажариш лойиҳаси қурилиш-монтаж ишларини қиймати ва меҳнат сарфини пасайтиришга, қурилиш давомийлигини қисқартиришга, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилашга имкон берувчи қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг энг самарали методларини белгилаб беради. Қурилиш ишларини бажариш лойиҳасиз амалга ошириш таъқиқланади. ИБЛ қурилишни

⁹⁸ Б.Х.Рахимов., Э.А.Шомирзаев., А.С.Греценко. Шаҳар қурилиши ва хўжалигини ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш. 2009. Т. 10-Б.

амалга оширувчи қурилиш-монтаж ташкилоти ёки ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.⁹⁹

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини ва соҳаларини ҳар томонлама ривожланишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қурилиш соҳаси лойиҳалаштириш жараёнини янада такомиллаштириш кўзда тутилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Хусусан, 2022-2026 йилларда “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ҳамда аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш:

- уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

- аҳолининг, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшовчилар ва фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бошқа тоифаларининг яшаш шарт-шароитларини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқ жойларида арзон уйларни қуриш орқали янада яхшилаш;

- коммунал-маиший хизматлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, энг аввало, янги сув ўтказиш тармоқларини қуриш, замонавий тежамкор ва самарали технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларида аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини тубдан яхшилаш;

- одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқинди йўқ қилишнинг замонавий объектлари билан таъминлаш;

- ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш каби кўплаб вазифалар белгиланган.

«Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида 09.12.2021 йилдаги ПФ-32-сон фармонида асосан “2022 — 2026-йилларда Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-

⁹⁹ Р.А.Норов. Қурилиш жараёнлари технологияси, қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш. Т. 2019. 11-Б

коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида:

- жорий йилда ёш оилаларнинг, эскирган уйларда яшовчиларнинг ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифалардаги фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш юзасидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ Республика бўйича 2022-йилда 29 та массив қурилиши 1014,9 га шаҳрида ва республиканинг бошқа шаҳарларида 619 дона кўп қаватли уйлар 21,312 хонадон, 18 дона умумтаълим мактаблар, 24 дона мактабгача таълим ташкилоти, 15 тиббиёт муассасаси қуриб топширилиши амалга оширилмоқда. Натижада шу йилнинг ўзидеёқ уй-жой шароитлари яхшиланишига оилаларидан 21,312 минг нафари шинам уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга 2022 — 2026 йилларда шаҳарлар ва туманларда кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури қандай амалга оширилаётганлигини ўрганиш республика шаҳарларида уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёж ҳамон юқори даражада қолаётганлигини кўрсатди. 21,312 мингдан зиёд оила Дастур доирасида қурилаётган кўп квартирали уйларда яқин йиллар ичида квартира сотиб олишга шароит яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Б.Х.Рахимов., Э.А.Шомирзаев., А.С.Греценко. Шаҳар қурилиши ва хўжалигини ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш. 2009. Т. 6-Б.

2. Р.А.Норов. Қурилиш жараёнлари технологияси, қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш. Т. 2019. 11-Б

3. М.М.Миралимов “Бино ва иншоотлар архитектураси” Т. 2012

4. “Архитектуравий лойиҳалаш асослари” Тошкент архитектура — қурилиш институти. Дарслик. Т. 2008.